

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-YANVAR

ANDIJON, 2024

ИСТИҚБОЛДА ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИНТУИТИВ БИЛИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Искандаров Жаҳонгир Шарипович

Ташкент давлат иқтисодийет университети, мустақил

тадқиқотчи

Аннотация: Мазкур мақолада Истикболда ички ишлар ходимларининг интуитив билишини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари очиб берилган. Шунингдек, ички ишлар ходимларининг тафаккуридаги бундай ўзгаришлар мамлакатни мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда, ички ва ташқи таҳдидлардан аҳолини ҳимоя қилишда устувор аҳамият касб этади. Бундай ички ишлар ходимларининг интуитив билишини янада юксалтириш бу муҳит доирасида ҳам ижтимоий ижодий муҳитни юзага келтириш асосида амалга оширилади.

Калит сўзлар: когнитив, интуиция, хулқ-атвор, интуитив, оригинал, симметрия, ижодий қобилият, ижтимоий-маданий, хотира, диққат.

Аннотация: В данной статье раскрываются приоритетные направления развития интуитивных знаний сотрудников внутренних дел в Истикболе. Также подобные изменения в мышлении сотрудников внутренних дел имеют первостепенное значение в укреплении обороноспособности страны и защите населения от внутренних и внешних угроз. Дальнейшее совершенствование интуитивных знаний таких сотрудников внутренних дел осуществляется на основе создания внутри этой среды социальной творческой среды.

Ключевые слова: познание, интуиция, поведение, интуитивное, оригинальное, симметрия, творческие способности, социокультурные, память, внимание.

Abstract: This article reveals the priority areas of development of intuitive knowledge of internal affairs officers in Istiqbol. Also, such changes in the mindset of internal affairs officers are of primary importance in strengthening the country's defense capabilities and protecting the population from internal and external threats. Further improvement of the intuitive knowledge of such internal affairs officers is carried out on the basis of creating a social creative environment within this environment.

Key words: cognitive, intuition, behavior, intuitive, original, symmetry, creative ability, socio-cultural, memory, attention.

Ўзбек халқи фаровон турмуш ва юксак тараққий этган фуқаролик жамияти сари дадил одим ташлаб борар экан бу борада шахс ва жамият интуитив билишини юксалтириш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик даврида мазкур масалани ижобий ҳал этиш юзасидан жуда кўплаб анъанавий-маърифий тадбирлар ва инновацион лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилди. Бундан ташқари ички ишлар тизими таълим тизимида бир қанча кескин ўзгаришлар ҳамда дастурлар амалга оширилди. Умуман давлат мудофааси хавфсизлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш учун ички ишлар ходимларининг интуитив билишини ривожлантириш зарур экан бу борада қандай йўллардан

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-YANVAR

ANDIJON, 2024

foyдаланмоқ лозим? Биринчидан жамиятимиздаги мавжуд ички ишлар ходимларининг интуитив билиши ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб ва рағбатлантириб бориш, уларнинг жамиятда тутган ролини ошириш ҳамда ўз соҳаларидаги илмий ва ижодий фаолиятлари учун кенг имкониятлар яратишдир. Иккинчидан ички ишлар ходимларининг ички ишлар тизими жиҳатдан ривожланган давлатларнинг ички ишлар тизими илмий-техникавий салоҳиятидан баҳраманд бўлишига эришиш, глобал миқёсда давом этаётган фан техника инқилобининг янгидан янги чўққиларини эгаллашига имкон яратишдир.

Дарҳақиқат истиқболда ички ишлар тизими куч-қудрати юқори бўлган давлатлар билан барча соҳаларда тенгма тенг рақобат юргизиш бугунги кунимиз асосий мақсадларидан бири экан демак жамиятимизнинг тараққиёт даражаси ҳам шунга мувофиқ бўлиши лозим. Учинчидан ёш ички ишлар тизимларни етук кадр бўлиб етишишлари учун махсус ички ишлар тизими олий ўқув даргоҳларида жаҳон стандартлари даражасида билим бериш ва тайёрлашни кенг йўлга қўйиш ва ўз навбатида ички ишлар ходимларини чет элларга ўқишга ҳамда малака оширишга юбориш учун янада кенг имкониятлар яратишдир. Бундай маданий –маърифий тадбирлар ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтиришда ўз самарасини беради албатта. Мамлакатимиз раҳбариятини XXI-асрга мўлжалланган ички ишлар тизими таълим соҳасидаги сиёсатининг ёш ички ишлар тизими кадрларга бўлган муносабатида, улар орасидаги энг иқтидорлиларини танлаб олиб, илмий ва маънавий маданий жиҳатдан камолга эришишлари ҳамда замонавий ички ишлар тизими фан-техника асосларини чуқур ўзлаштириб олишларини таъминлаш муҳим ижтимоий зарурат ҳисобланади.

Мамлакат ҳаётида ижодий тафаккур соҳиблари бўлмиш ёш ички ишлар тизими кадрларни тарбиялаш ва уларни илм маърифат олишлари учун муносиб шарт шароит яратиб бериш давлатимизни стратегик мақсади ҳисобланади. Жамиятда учраб турадиган уруғчилик, маҳаллийчилик, умуммиллий, умумдавлат манфаатлари ўртасидаги зиддиятларни вужудга келиш асоси ва уни бартараф этишнинг усул ҳамда воситаларини ишлаб чиқишда ҳам самарали йўللарни танлаш ёш ички ишлар ходимларининг ижодий эркинлик асосида тарбиялаш орқали олиб борилади. Шу маънода ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтиришнинг ўзига ҳос йўллари сифатида қуйидаги омилларни эътиборга олиш ҳамда уларни тез ва аниқ сураётлар билан турмушимизда қарор топдириш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан мамлакатимиз ички ишлар ходимлари ҳаётида ҳар томонлама фаровон оилани шакллантиришдек эзгу вазифани амалга ошириш ва бунда аввало маънавий маданий муҳитни яратиш зарурияти. Иккинчидан, ички ишлар тизими билим юртларида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг омилларидан бири бўлган “узлуксиз таълим тизими”ни амалга оширишдаги сусткашликлар сабабини мунтазам равишда аниқлаб бориш ва ечимини кутаётган муаммони зудлик билан бартараф этиш лозим. Учинчидан эса, ички ишлар тизими таълим муассаларида таълим ва тарбияни уйғунлаштириш жараёнининг самарали кечишида ижтимоий муҳитни янада соғломлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Тўртинчидан “тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим” деган нақлга амал қилган ҳолда ёш ички ишлар ходимлари тарбиячиси бўлмиш офицер ўқитувчиларни жаҳон стандарти даражасида малакали билим олишлари учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш, шунингдек бу йўлда учраб турадиган тўсиқларни бартараф этиш лозим бўлади. Бизнингча Ўзбекистонда ички ишлар ходимларининг интуитив билишини шакллантириш қуйидаги масалаларни ижобий ҳал этиш воситасида самарали тарзда амалга ошади: Аввало давлатчилик соҳасида туб ўзгаришларга эришиш, бунда асосан давлатнинг ялпи ислохотлар ўтказишда ташаббускорлигини ошириш, аҳолини бунёдкорлик ва яратувчанлик фаолиятини рағбатлантиришни адолатли йўлга қўйиш. Шунингдек

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-YANVAR

ANDIJON, 2024

хуқуқий давлат қуришда миллий ва умуминсоний тамойилларни уйғунлаштириш борасида ҳам туб ислохатлар ўтказиш, қонун олдида аҳоли барча қатламлари тенглигини чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият юритиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш.

Жамият аъзоларининг моддий, маънавий-ижтимоий имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамиятда мулкдорлар қатламини қарор топдириш ва аҳолини кескин тарзда табақаланишини олдини олиш. Халқаро муносабатларни йўлга қўйишда миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш. Бунда аввало ички ишлар ходимларининг интуитив билиши, уларнинг сиёсий-иктисодий, ҳуқуқий-маънавий савиясини янада ошириш, улар фаолиятида учраб турадиган эскилик сарқитларини, сусткашлик, лоқайдлик ва боқимандачилик кайфиятини бартараф этиш мақсадида назоратни кучайтириш муҳим ҳисобланади. Бундай ички ишлар ходимларининг тафаккури, руҳияти ва онгини ислоҳ қилиш орқали туб ўзгаришларга эришиш ва бу асосда ички ишлар тизими тизимда амалий-сайъ ҳаракатларни оқилона йўлга қўйиш лозим бўлади.

Айниқса мансабдор ички ишлар ходимларининг тафаккуридаги бундай ўзгаришлар мамлакатни мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда, ички ва ташқи таҳдидлардан аҳолини ҳимоя қилишда устувор аҳамият касб этади. Бундай ички ишлар ходимларининг интуитив билишини янада юксалтириш бу муҳит доирасида ҳам ижтимоий ижодий муҳитни юзага келтириш асосида амалга оширилади. Чунки мудофаа тизимида туб ўзгаришларни вужудга келтиришда ички ишлар ходимларининг илмий-назарий ва ижодий таҳлилий фикрлари, назарий умумлашмалари, амалий тавсияларни ишлаб чиқишдаги фаолликлари муносиб ўринни эгаллайди. Бу тоифа ички ишлар ходимлари умумжаҳоний ички ишлар тизими ҳаракатлар динамик ўзгаришларини олдиндан пайқаш қобилиятига эга бўладилар.

Шу маънода уларнинг илмий маърифий ва маънавий савияси даражаси истиқбол учун устувор аҳамиятга эга. Ижтимоий тарихий амалиёт ва замонавий демократик воқеликлар шундан далолат бермоқдаки бундай ички ишлар ходимларини самарали назарий ва амалий фаолиятлари орқали мудофаа тизимида ҳам демократик ғоялар, идеаллар ва тамойилларни қарор топишига эришиш мумкин. Бу тоифа кишилар ички ишлар тизими тизимда аввало инсонни кадр-қимматини англаши ва бошқарувда учраб турадиган ноҳақликларга адолатли тарзда чек қўйиши лозим бўлади. Истиқболда ички ишлар ходимларининг интуитив билишини ривожлантириш воситалари сифатида компьютер технологиялари, таълим соҳасининг мавжуд моддий-техник базаси, замонавий инновацион технологиялар, санъат, бадий ва илмий-маърифий адабиётлар, илм фан соҳасидаги янгидан янги ихтиролар ва ютуқлар ҳамда барча билим даргоҳларини олишимиз мумкин.

Компьютер технологияларининг бугунги кундаги ҳаётимизнинг барча жабҳаларига дадил кириб бориши, ундаги интернет тизими воситасида жаҳон илм фани янгиликларини кириб келиши истиқболда етук ички ишлар тизими кадрларни шаклланишида муҳим турткилардан бири бўлади. Айнан ҳозирги кунда компьютер технологиялари таъсирида “Фан инқилоби ва ахборотлашув туфайли ўқиш, ўқитиш ишларининг самарадорлиги янада оширилиб, жамиятдаги ижтимоий интеллект ўзига ҳос тарзда ривожлантирилмоқда.” Ҳозирда суний интеллект сифатида эътироф этилаётган компьютер технологиялари ички ишлар ходимларининг интеллектуаллик даражасини юксалтирувчи асосий восита сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг назарда тутган ҳолда ҳозирда интернет, мультимедия, космонавтика, ОАВ, уяли, радио ва суний йўлдош алоқасига асосланган ахборот тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Яна бир муҳим жиҳатни ёддан чиқармаслик лозим. Яъни интуитив билишни ривожлантирувчи

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-YANVAR

ANDIJON, 2024

воситалардан бири сифатида юқорида қайд этиб ўтилган компьютер технологиялари инсоният тафаккур тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Сабаби ўз ақлий ва индивидуал тафаккур имкониятларидан кўра кўпроқ суний интеллектга суяниш ва фақатгина у орқали ахборотга эга бўлиш инсонни ижодий фикрлаш доирасини муттасил чеклаб боради ҳамда интуитив қобилиятини суний ахборот қобиғига ўраб қўяди.

Шунинг учун ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтиришда бошқа воситаларга ҳам алоҳида аҳамият бермоқ лозимдир. Айниқса, О.Файзуллаев тўғри таъкидлаганидек, “Илм-фанга, ижодга қизиқиш хиссини болаларда ёшлиқдан уйғотиш масаласига мактаб, ота-оналар, олимлар кўпроқ эътибор беришлари лозим. Шу билан бирга илмда ёши ўтиб қолди, деган гап бўлмади”.

Маълумки фан инсон яратган маънавий кадриятларнинг энг олийси бўлиб, у ўзига хос тарзда тараққий этмоқда. Ўз навбатида бу жараён кишиларнинг интуитив билишини янада ривожлантириб, уларнинг рационал билимларини миқдор ва сифат даражаларининг тобора ошиб боришида восита сифатида ҳозирги давр жаҳон цивилизациясининг янги босқичга ўтиши учун замин яратади. Бундай ўзгаришлар бир қанча ижобий ҳолатлар билан биргаликда жиддий муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда. Шунинг учун ҳам ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтиришда маънавий тарбияга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бундай фаолият нафақат мушофаа тизимидаги маънавий соҳасини, балки жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади ҳамда инсонни эзгу мақсадларга асосланган туб ўзгаришларнинг янада такомил босқичига олиб чиқади.

Ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтиришда яна бир муҳим восита бу бадий ва илмий маърифий адабиётлардир. Дарҳақиқат у ҳоҳ бадий асар бўлсин ҳоҳ илмий маърифий асар бўлсин барчаси шахсни ўзлигини танишга, билим ва дунёқарашини кенгая боришида зарур аҳамият касб этади. Айнан мазкур омиллар таъсирида инсон маънан етилиш билан интеллектуал жиҳатдан юксала боради. Масалан адабиёт ва санъат асарлари шахсни маънавий дунёсини бойитиш, уни гўзал воқеликларнинг эстетик жиҳатларидан баҳраманд этиш каби ажойиб хусусиятга эга. Маънавий ғояси юксак бадий жозибатор адабиёт ва санъат асарлари кишилар қалбига тезроқ йўл топиш, эстетик хиссиётига кучли таъсир қилиш ва ҳаётий воқеа-ҳодисаларни теран мушоҳада этишга ундаш воситасида ички ишлар ходимлари интуитив билишининг ривожига муҳим туртки беради.

Адабиёт ва санъат асарларининг яна бир эътиборга молик жиҳати шуки, улар инсон онги ва тафаккурида янгидан янги фикрлар ҳамда плюралистик ғоялар вужудга келишида замин яратади. Масалан ўзбек халқининг: Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Машраб, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик адабиёт намоёндалари ҳамда замонамиз ёзувчи ва шоирлари билан бир қаторда чет эл адибларининг ўлмас маънавий мероси бугунги кун ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтиришда ўзининг бекиёс улушини қўшади. Бундан ташқари илмий-маърифий адабиётлар ҳам ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтиришга ўз таъсирини кўрсатади ва бу орқали уларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилайди. Бизнингча республикамызда ички ишлар ходимларининг тафаккур тарзини ва билим даражасини замон билан доимо ҳамнафас ҳолда тараққий топиб бориши, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етиши учун фойдали бўлган илмий-маърифий адабиётлар ҳажмини ошириш, уларни кишилар ҳаётига янада чуқурроқ ва кенгроқ кириб боришига зарурий имкониятлар

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-YANVAR

ANDIJON, 2024

Яратиш ҳозирги кунда маориф ҳамда илмий тадқиқотлар соҳасидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Мазкур вазифа доирасида турли хорижий тиллардаги илмий адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш ва бу орқали чет эл олимларининг илмий-ижодий ишларидан асосан ёш ички ишлар ходимлариимизни боҳабар этиш воситасида истиқболда жамиятимизнинг иждодий салоҳиятини ривожланиб боришига мустаҳкам замин яратамиз

Ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтириш борасида ички ишлар тизими билим юртларида ҳам бир қанча ўзгаришлар қилинмоқда. Айнан шу ислохотлар натижасида истиқболда мамлакатимиз равнақи учун сув ва ҳаводек зарур ички ишлар тизими интеллегенция қатламини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Умуман бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш ва буюк келажакни яқинлаштириш, ҳозирги ўсиб келаётган ёшларни тарбиялашга, юксак маърифатга эга бўлган интеллектуал ва юксак иждодий тафаккур соҳиби даражасига олиб чиқишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтиришга бўлган бундай зарурат куйидагича шартларни ўзида ифодалайди. Биринчидан барча ички ишлар тизими ўқув-таълим даргоҳларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи кадрларни замон талабларига мос равишда қайта тайёрлаш, уларни жаҳон илми фани ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлишини таъминлаш ва замонавий таълим технологияларидан фойдаланиши учун муҳим шарт шароитлар яратиш. Иккинчидан ички ишлар тизими ўқув-таълим даргоҳларини моддий-техник базасини жаҳон стандартларига мослаштириш, ўқув дарсликлари ва илмий-бадий адабиётлар билан кутубхоналарни янада бойитиш. Учинчидан барча ички ишлар тизими таълим масканларида таълим олаётган ички ишлар ходимларини ўқув жараёнларида ўз иждодий қобилиятини тўлатўқис намоён этишлари учун турли хил илмий-маърифий анжуманлар, баҳс-мунозаралар ва илмий-адабий учрашувларни ташкил қилиш лозим. Бизнингча юқоридаги жараёнларнинг мукамал тарзда, тез ва аниқ суръатлар билан тўғри амалга оширилиши истиқболимиз таянчи бўлган бугунги кун ёш ички ишлар тизими кадрларининг юксак иждодий қобилият соҳиби бўлиб этишишлари учун етарлича имконият эшикларини очади.

Умуман шахс ва жамият интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи барча воситаларнинг замон талабларига мос равишда такомиллашиб бориши бугунги кунда ўз қўлимиздадир. Биздан эса мана шу такомиллашувни тўғри йўлга қўйиш, мустақил диёримиз келажаги бўлмиш ёшларимизни эртанги кунда маънан етук ва интеллектуал жиҳатдан баркамол шахс бўлиб этишишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш талаб этилади. XXI-аср инсониятдан фан-техника тараққиётини янгича сифат босқичига кўтаришни талаб қилмоқда. Бизнингча эса мана шу талаб доирасида янада олға босишимиз учун зарур бўлган тафаккур ислохотларини жадаллаштиришимиз ва бунинг воситасида аввало ўзимизда соғлом эҳтиёжларни шакллантиришимиз лозим. Гап шундаки ҳар қандай ривожланиш мавжуд ҳолатдан қониқмасликдан пайдо бўлади. Яъни мавжуд ҳолатдан қониқиш турғунликни юзага келтиради. Инсонни ўзида янги эҳтиёжни ҳосил бўлиши тараққиёт манбаидир. Ҳозирги даврда ақлан зукко, интуитив қобилиятли, изланувчан ва мустақил мулоҳаза юритувчи ёшлар жамиятни илмий техник тараққиётини ҳаракатга келтирувчи улкан куч қувват бўлиб улар келажакда барча соҳаларда жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан муаммога ёндашув ички ишлар тизими олий билим юртларида ҳам истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга оқилона кўрсатма бериш ва муаян йўналишга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки уларнинг ҳар қайсисига ҳос бўлган индивидуал хусусиятлар, ички куч қувват, яширин имкониятларни очиш, такомиллаштириш, тараққий эттириш, таъсир ўтказувчи омиллар ва

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-YANVAR

ANDIJON, 2024

воситалар топиш яъни уларнинг жамият эҳтиёжи талаби ҳамда ривожланиш имкониятига мос равишда мақсадга йўналтириш ҳозирги давр талабидир. Бизнинг фикримизча, ички ишлар тизими интеллегенцияни тарбиялашнинг муҳим бир хусусияти шундаки, бу қатлам индивидуал тарзда ўзини ўзи ташкиллаштиради, ривожлантиради ва тўлдириб боради. Яъни ички ишлар тизими интеллегенция ўз фаолияти учун зарур барча воситаларни ва йўлларни ўзи ишлаб чиқади ҳамда замонасига мос ҳолда такомиллашувини таъминлайди.

Маънавий-маданий соҳанинг айнан мазкур ворисийлик характери орқали ички ишлар тизими бошқарув тизимининг барча тараққиёт механизмлари прогрессив равишда фаолият кўрсатади. Фақат мазкур жараён тўла-тўқис амалда бўлиши учун бирор бир ташқи салбий таъсирлар бўлмаса бас. Карл Поппер фикрича “фақат очиқ жамиятдагина интеллект ўзини ўзи ривожлантиради ва такомиллаштира олади.”¹ Мутафаккир “очиқ жамият” деганда ҳақиқий демократик ҳурфикрликка асосланган жамиятни назарда тутди. Лекин бизнингча ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтириш учун демократик ҳурфикрликнинг ўзигина кифоя қилмайди, балки бунинг учун етарли даражада интеллегенцияга обектив ва субектив талаб ҳамда моддий ва руҳий рағбат ҳам зарурдир. Умуман ички ишлар ходимларининг интуитив билишини юксалтириш мураккаб ижтимоий-маънавий ва маърифий-маданий жараёнлар таъсирида шаклланади, ривожланади ва такомиллашиб боради.

Ҳозирги глобал тараққиёт даврида инсонлар ижтимоий онги ва дунёқараши муттасил янгиланиб, унинг қирралари тобора кенгайиб бормоқда. Шу жумладан янгича илмий тафаккур тарзи шаклланиб, унинг таъсирида ноананавий ғоялар, фикрлар юзага келмоқда. Ушбу жараёнлар оқибати ўлароқ, шахс ва жамият интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи воситалар юзага чиқмоқда. Масалан илмий-техника, адабиёт ва саянат, ҳамда ўқув методикасидаги ижобий янгилликлар шулар жумласидандир. Юртимизда шаклланиб келаётган фуқаролик жамияти айнан мазкур ўзгаришлар воситасида такомиллашишини назарда тутган ҳолда бугунги кун ёш ички ишлар тизими кадрларини истиқболда юксак салоҳиятли шахс этиб тарбиялашимизни талаб қилмоқда. Бунинг учун мазкур масалани бартараф этишда катта авлодга мансуб юксак интеллектуал ва ижодий салоҳиятли шахсларнинг сидқидилдан меҳнат қилишлари, жамиятдаги мавжуд муаммолар ечимини синчковлик асосида, ва бунинг заминиди порлоқ келажакни яқинлаштиришлари муҳим зарурият бўлиб қолмоқда. Демак бу борада улар аввало ўзларига ўхшаш салоҳиятли ёш ички ишлар тизими кадрларни тарбиялаши учун жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган бирқанча муаммоларни бартараф этишлари лозим.

Учинчи боб бўйича хулосалар куйидагилардан иборат:

Биринчидан, ички ишлар тизими мутахассис интуитивлиги, ўқув фаолияти жраёнида ички ишлар ходимлари ривожланиб, шахс тараққиёти структурасида профессионал хизмат жараёнида ижодий стилини аниқлайди; мақсадга эришишнинг турли янги усуллари ва ҳар томонлама ёндашувларини топа олади; кетма-кетликда, аниқ ва мустақил равишда олдида қўйилган вазифаларни еча олади; қабул қилган қарорлари оқибатини олдиндан прогноз қила олади.

Иккинчидан, ички ишлар ходимлари интуитивлигини ривожлантиришнинг тузулмавий-таркибий модели, шахсий тайёргарлик ва муаммоли ёндашувларга асосланади, ҳамда ўз ичига мақсад, вазифа, функцияларни, тамойилларни, омилларни, қонуниятларни, иш йўналишларини, шакл ва методларини олади.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-YANVAR

ANDIJON, 2024

Учинчидан, техник мутахассислик ички ишлар ходимлари интуитивлигини ривожлантириш технологияси гуманитар фанларни ўрганиш жараёнида юқори ички ишлар тизими чуқур методлар, таълим восита ва шакллари сифатида ички ишлар ходимлари интуитивлигини самарали ривожлантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Гревцова Л.А. Междусубъектная природа творчества в науке, философии и религии: Дис. ... канд. филос. наук. Барнаул, 2005 - 166 с.
2. Ницше Ф. Малое собрание сочинений / Пер. с нем. – СПб.: Азбука-классика, 2010. – 1056 с.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. – 122 с.
4. Абдуллаева М.Н. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. – Тошкент.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. -2011.-Б.102
5. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат. (Рух ҳақиқати). – Тошкент.: Адолат, 2005. – Б. 71-72.
6. Бердяев Н.А. Кризис интеллекта и миссия интеллигенции. // Новый мир. 1990г. Стр 230
7. Виндельбанд В. История новой философии в ее связи с общей культурой и отдельными науками. Т. 2. От Канта до Ницше. – М.: Гиперборея; Кучково поле, 2007. – С. 34–35.
8. Hudson W.D. Reason and Right. A. Critical Examination of Prices Moral Philosophy. L.1970.p10.
9. Пригожин И. Стенгерс И Порядок из хаоса. М., Прогресс. 1986г. Стр 141-144.
10. Имом Ғаззолий. Ихёи улум аддин . (Дин илмларини жонлантириш). Т., Медиа. 2003 йил